



**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҲАРАКАТЛАР
СТРАТЕГИЯСИ: МАКРОИҚТИСОДИЙ
БАРҚАРОРЛИК, ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИК ВА
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ»**

**ХАЛҚАРО ОНЛАЙН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ ТҮПЛАМИ**

4-ШЎҶАБА

**2020 йил 10–11 декабрь
Тошкент, Ўзбекистон**



<i>Мадреимов А.О.</i>	
БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРДА СОЛИҚЛАРНИ ТАҚСИМЛАШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН МАМЛАКАТИМИЗДА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ	244
<i>Мамадияров З.Т.</i>	
БАНКЛАРНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШДА МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	248
<i>Маматкулова Я.Д.</i>	
ПЕНСИЯ ИСЛОҲОТЛАРИ ВА ИЛГОР ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ	255
<i>Мурадова Д.А.</i>	
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	265
<i>Муродова М.Ч.</i>	
КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ НАТИЖАСИДА ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ХОЛАТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИГА ТАЪСИРИ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛИДА БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ	271
<i>Мусалимов Ш.И.</i>	
МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	279
<i>Муталов А., Муталова М.А.</i>	
О СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	283
<i>Мўминова М.Б., Бобохонов С.Б.</i>	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН БОШҚАРИШГА ДОИР ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДОШУВЛАРИ	286
<i>Назарова М.Н.</i>	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КАПИТАЛЛАШИШ ДаРАЖАСИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ	291
<i>Намозова Қ.И.</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИ СУҒУРТАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ	296
<i>Норбоев О.А.</i>	
САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	302
<i>Носиров Ж.Т.</i>	
СУҒУРТА ҚОМПАНИЯЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҮСТУВОР ИУНАЛИШЛАРИ	307
<i>Нигматуллаева Г.Н.</i>	
ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ – УСЛОВИЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ СТРАНЫ	310
<i>Примова Н.И.</i>	
МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ТАҲЛИЛИ	316
<i>Рахматов Т.С.</i>	
ВАЛЮТА СИЁСАТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА БАНК ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	326
<i>Рахматуллаев Б.А.</i>	
АКЦИЯДОРЛИК КАПИТАЛЛАРИ ТАРКИБИНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА ОПТИМАЛЛАШТИРИШГА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ТАҲЛИЛИ	335
<i>Рўзиева Д.И., Абидова Ш.А.</i>	
ЗАМОНАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ	347
<i>Тилабов Н.Т.</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ФИСКАЛ СИЁСАТ МАСАЛАЛАРИ	352
<i>Тиллаев Б.С., Яхшиева М.Т.</i>	
МАКРОИКТСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ИЎНАЛИШЛАРИ	357
<i>Тожибоева Ш.А., Раҳмонов С.С., Эргашева М.Ш.</i>	
ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАРДА ИЧКИ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ БАҲОЛАШ	362
<i>Тожиев Р.Р.</i>	
ВАЛЮТА СИЁСАТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДИЛИГИНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ	371
<i>Тураева А.И., Абдуахатов Ш.И.</i>	
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	379

**Тиллаев Бекзод Собир ўғли,
«Orient Finans Bank» ХАТБ ички аудит
директори ўринбосари,**

**Яхшиева Мавлуда Турсуновна,
ТДИУ «Университет-3.0» маркази
бош мутахассиси, и.ф.н., доцент**

МАКРОИҚТСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ДЕНЕЖНО-КРЕДИТНОЙ ПОЛИТИКИ
В ОБЕСПЕЧЕНИИ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКОЙ УСТОЙЧИВОСТИ**

**MAIN DIRECTIONS OF MONETARY POLICY IN PROVIDING
MACROECONOMIC SUSTAINABILITY**

Аннотация. Уибубу мақолада макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда монетар сиёсатнинг пул-кредит воситалари ва усувлари, тактик ва стратегик вазифалари, молиявий секторлар мутаносиблигини таъминлаш ва унда давлат монетар сиёсатининг ролини янада кучайтириши иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишининг ҳозирги босқичида долзарб вазифалар бўйича таклифлар берилган.

Таянч иборалар: валюта, ликвидлик, банк тизими, либерализация, нархлар барқарорлиги, инфляция, монетар сиёсат, бизнес-режса, модернизация.

Аннотация. В данной статье представлены предложения по актуальным задачам экономических реформ по обеспечению макроэкономической стабильности, инструменты и методы денежно-кредитной политики, тактические и стратегические задачи, обеспечение сбалансированности финансового сектора и дальнейшее усиление роли государственной денежно-кредитной политики на современном этапе.

Ключевые слова: валюта, ликвидность, банковская система, либерализация, стабильность цен, инфляция, монетарная политика, бизнес-план, модернизация.

Abstract. This article presents proposals on the urgent tasks of economic reforms to ensure macroeconomic stability, tools and methods of monetary policy, tactical and strategic tasks, ensuring a balanced financial sector and further strengthening the role of state monetary policy at the present stage.

Key words. currency, liquidity, banking system, liberalization, price stability, inflation, monetary policy, business plan, modernization.

Ўзбекистонда миллий пул бирлиги барқарорлигини таъминлаш ва уни самарали бошқариш, монетар сиёсат воситаларининг мақсадли даражаларига эришиш, банк тизимининг ликвидлигини ҳамда молиявий бозорлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш марказий банк зиммасига юклатилган. Унинг ёрдамида хар қандай давлат мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш вазифасини хаётга тадбиқ этади.

«2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш» деб номланган учинчи йўналишда кўрсатилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш учун миллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини жорий этиш, назарда тутилмоқда» [1].

Ушбу вазифаларни амалга ошириш кўп жиҳатдан иқтисодиётда амал қилувчи пул-кредит механизмларининг такомиллашув даражасига узвий боғлиқдир. Бу эса, иқтисодиётда вужудга келадиган айrim номутаносибликларни ўз вақтида ва муваффакиятли бартараф этишда, хамда монетар сиёsat инструментларининг (қайта молиялаштириш ставкаси ва мажбурий захиралар нормаси) таъсирчанлигини оширишда тўсик бўла оладиган мавжуд муаммоларнинг аниқланиши ва ҳал қилинишини тақозо этади. Ҳозирги жадал иқтисодий ислоҳотлар даврида миллий хўжаликнинг самарали фаолият юритиши учун пул-кредит сиёsatи орқали макроиктисодий барқарорликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

«Умумдавлат иқтисодий сиёsatини таркибий ва ажралмас қисми сифатида монетар сиёsat мамлакатда нархлар барқарорлигини таъминлаш асосида иқтисодий ўсишга, макроиктисодий ва молиявий барқарорликка эришиш ва уни янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутиши аллақачон жаҳон тажрибасида исботланган. Аксарият марказий банклар учун пул-кредит сиёsatининг сўнгги мақсади миллий валютанинг қийматини ички ва ташқи бозорларда сақлаш ҳисобланади. Миллий иқтисодиёт доирасида бу инфляцияни паст ва барқарор даражада ушлаб туришни англатади. Шу билан бирга либераллашган иқтисодий тизимлар шароитида марказий банклар инфляцияни тўғридан-тўғри назорат кила олмайди; бунинг ўрнига улар фоиз ставкаларига, иқтисодиётдаги пул массаси ёки кредит ҳажмига таъсир қилиш орқали инфляцияни билвосита назорат қилишга ҳаракат киладилар» [2].

«Мамлакатимизда «Пул-кредит сиёsatининг 2019 йил ва 2020–2021 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари»да кўрсатиб ўтилган Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг асосий сценарийсига кўра, 2019 йил учун инфляциянинг прогноз кўрсаткичи 13,5–15,5 фоиз даражасида белгиланган эди. Марказий банк 2019 йил давомида қайта молиялаш ставкасини кўриб чиқиши жараёнда инфляциянинг прогноз даражасини ўзгаришсиз сақлаб колди. 2019 йил якунларига кўра, инфляция даражаси прогноз коридорининг юқори чегарасида шаклланиб, 15,2 фоизни ташкил этди. Айни пайтда 2019 йил давомида инфляция динамикаси турли йўналишли хусусият касб этди. Хусусан, йилнинг биринчи ярмида йиллик инфляция даражаси 13–13,5 фоизгача пасайиб, мазкур кўрсаткичда маълум муддат сақланиб тургандан сўнг, йилнинг иккинчи ярмида инфляция динамикаси ўсувчи трендга эга бўлди» [3].

«2020 йилдан бошлаб инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш доирасида 2021 йилда инфляция даражасини бир хонали сонга, 2023 йилга келиб эса мақсадли кўрсаткич – 5 фоизга пасайтириш бўйича қатъий чоралар кўрилиши назарда тутилмоқда. 2020 йил учун инфляциянинг базавий прогнози 12–13,5 фоиз даражасида белгиланган. 2021 йилдан бошлаб йиллик инфляция даражаси бир хонали кўрсаткичгача пасайиши кутилмоқда. Инфляциянинг прогноз даражасига эришиш мақсади, иқтисодиётга кредит қўйилмалари ўсиш суръатларини 20–25 фоиз атрофида, яъни номинал ялпи ички маҳсулот ўсишининг прогноз қилинаётган даражасида таъминланишини талаб этади» [4].

Пул-кредит сиёсати инструментлари пул-кредит ва молиявий шароитларга таъсир қилиш учун марказий банк тасарруфидаги қурол ҳисобланади. Айтиш жоизки, иқтисодиётни модернизациялаш босқичида мамлакатимиз пул-кредит сиёсатида монетар сиёсатни асос қилиб олиш орқали ислоҳотларни чуқурлаштириш учун шарт-шароит яратиш билан биргаликда хўжалик субъектларини молия, пул-кредит воситалари орқали рағбатлантириш вазифаси туради.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, хусусан, илғор ҳалқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш устувор вазифа этиб белгиланган .

Пул-кредит воситалари ва усууларини ислоҳ қилиш тактик ва стратегик вазифаларни ажратишига асосланади. Стратегик вазифа шаклланган бозор иқтисоди амал қилаётган мамлакатлар учун хос бўлган, пул-кредит назоратининг умумий қабул қилинган воситаларидан фойдалана бошлашдир. Ушбу мақсадга эришиш узвий равишда бир қатор босқичлар орқали амалга оширилади. Монетар тартибга солиш воситаларини такомиллаштиришни босқичларга бўлиш, ўтиш даврининг муайян тарихий босқичларини ҳисобга олиш зарурати билан белгиланади.

Банк тизимининг тараққиёти аниқ белгиланган мақсад, вазифалар ва тамойилларга асосланади. Ушбу мақсад, вазифа ва тамойиллар республика иқтисодиётини ислоҳ қилиш жараёнида умумиқтисодий масалаларни ҳал этиш билан боғлиқдир.

«Марказий банк томонидан самарали пул-кредит сиёсати юритилиши натижасида иқтисодиётда инфляциянинг барқарор паст даражаси таъминланиши ва нархлардаги кескин тебранишларнинг олди олиниши, ўз навбатида, ахоли турмуш фаровонлигини ошириш ва бизнес юритиш учун қулай муҳитни яратишга асосий пойdevорлардан бири бўлиб хизмат қиласди».

Пул-кредит сиёсатининг ўта қатъийлаштирилиши иқтисодиётдаги инвестицион фаолликнинг сусайишига олиб келиши мумкин. Унинг асоссиз юмшатилиб, кредитлаш ҳажмларининг кескин оширилиши эса истеъмол ва инвестицион талабни рағбатлантириш билан бир қаторда инфляция даражасининг кескин ошиб кетишига ҳам сабаб бўлади» [5].

Таъкидлаш зарурки, биргина пул-кредит сиёсатининг ўзи мамлакат иқтисодий салоҳиятини барқарор оширишнинг асосий манбаи бўла олмайди. Узоқ муддатли истиқболда иқтисодиётда рақобат муҳитини яхшилаш, меҳнат унумдорлиги ва энергия истеъмоли самарадорлигини ошириш, инфратузилмани ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг ички ва ташқи рақобатбардошлигини кучайтириш, бизнесни ташкил этиш ва юритишни енгиллаштиришга қаратилган давомли таркибий ислоҳотларни амалга ошириш иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий омиллар ҳисобланади.

Юқорида келтирилган омиллар таъсирида юзага келган бугунги макроиқтисодий шароитлар қисқа давр ичida иқтисодиётни кредитлаш ҳажмларининг кескин ўсиши, инвестиция ҳажмлари ва истеъмол талабининг ошишини рағбатлантириб, инфляцион жараёнларнинг кучайишига олиб келганлигини кўрсатмоқда.

Бунда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарлар таклифи етарли эмаслиги шароитида (иш ҳақи ўсиши ва кредитлашнинг кенгайиши ҳисобига) ички талабнинг ошиши нархларнинг ўсишига сабаб бўлади. Шунингдек, маҳаллий товарлар миқдорининг ички бозорда етарли эмаслиги импорт товарларига бўлган ва бу орқали валюта бозоридаги талабни ошириб, миллий валюта курсининг қадрсизланишига ва пировардида инфляция кучайишига олиб келади.

Фикримизча, юқоридаги муаммоларни ҳал этишда иқтисодиётни пул – кредит воситалари орқали тартибга солиш, молиявий секторлар мутаносиблигини таъминлаш ва унда давлат монетар сиёсатининг ролини янада кучайтириш иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ҳозирги босқичида долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Муаммони ўрганиш ва қилинган хulosалар қўйидаги таклифларни киритишга имкон беради ва ушбу вазифалар берилган таклифлар асосида қисман ўз ечимини топади деб ҳисоблаймиз.

- ▶ илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш, кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш ва қўламини янада кенгайтириш;
- ▶ банкларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ролини янада кучайтириш, уларнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кенгайтириб бориш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни янада фаоллаштириш;
- ▶ кўрсатилаётган банк хизматлари турларини қўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш, хусусан, банк инфратузилмасини ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш қўламларини янада кенгайтириш;
- ▶ мамлакатимиз тижорат банклари томонидан етакчи халқаро рейтинг агентликлари юқори рейтинг баҳоларининг олиниши ҳамда мунтазам равишда янгилаб борилишига эришиш;
- ▶ тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналарни тиклаш, техник ва технологик модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, зарур бўлганда корхонани тўлиқ реструктуризация қилиш орқали фаолият йўналишини ўзgartириш, стратегик ҳамкорлар ва инвесторларни жалб қилишни назарда тутувчи бизнес-режаларни ишлаб чиқиш;
- ▶ банк хизматлари бозорида ракобатни янада кучайтириш, иқтисодиёт субъектлари ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш, кредитлаш жараёнларини соддалаштириш ва масофадан хизмат кўрсатиш қўламларини кенгайтириш;
- ▶ банк назоратини халқаро андоза ва меъёрлар асосида янада такомиллаштириш.

Юқорида қайд этилган масалалар тўғри ҳал қилинса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг монетар сиёсатини янада такомиллаштириш, демакки, натижада банк тизимини янада ривожлантириш мумкин. Бу ўз навбатида иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш ва натижада аҳолининг турмуш даражасини оширишга эришиш мумкин. Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар сиёсати ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқмоқда. Хулоса қилиб айтганда, Марказий банкнинг монетар сиёсатини таъсирчанлиги қанчалик ошса, шу даражада иқтисодиётимиз барқарорлиги кафолатланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Н.М.Розанова. Денежно-кредитная политика. Учебник и практикум длябакалавриата и магистратуры. – М.: «Юрайт», 2017.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йил якунлари бўйича пул-кредит сиёсати кўрсаткичлари тўғрисида дастлабки маълумотлар. 17 январь 2020 йил.
4. <http://cbu.uz//>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.03.2018 йилдаги ПҚ-3620-сонли ««Банк хизматлари оммаболигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

